

Qishloq hayoti

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

2019-yil 25-aprel, payshanba 32 (8999)-son

web sayt: www.qishloqhayoti.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда 9 май умумхалқ байрами – Хотира ва Қадрлаш куни ўтказилиши, шунингдек, Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлганларнинг хотирасини абадийлаштириш, бугун ҳам сафларимизда туриб Ватан обрў-эътиборини юксалтиришга, ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга ҳисса қўшаётган фахрийларни эъзозлаш ҳамда фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 74 йиллиги нишонланиши муносабати билан уруш қатнашчилари ва ногиронларини моддий рағбатлантириш мақсадида:

1. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига 7 500 000 (етти миллион беш юз минг) сўм миқдорда бир йўла пул мукофоти белгилансин.

2. Мазкур Фармонни бажариш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси республика бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати Молия вазирлиги ва Марказий банк билан биргаликда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига ушбу пул мукофоти тантанали ва байрамона вазиятда топширилишини таъминласинлар.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон Бадий академияси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, "Нуроний" жамғармаси ва "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари билан биргаликда Ватанимиз озодлиги ва шаъни-шарафи ҳимоячиларига бағишланган махсус учрашувлар ва маърифий-бадий кечалар ўтказилсин.

5. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2019 йил 23 апрель

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТҚАЗИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Халқимиз азалдан ўлкаимизни босқинчилардан ҳимоя қилган, унинг эркинлиги, мустақиллиги ва дахлсизлиги учун курашган қаҳрамонларини эъзозлаб келмоқда.

Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган минглаб юртоқларимиз хотирасини ёд этиш, оловли жангоҳлардан омон қайтган боболаримизга, фронт ортида оғир кунларни сабр-бардош билан енган, машаққатли синовларда ўзликни йўқотмаган, имони бутун аждодларимизга меҳр-оқибат кўрсатиш том маънода миллий анъанага айланди.

Ушбу бешафқат урушда қатнашган 1,5 миллиондан ортиқ ўзбекистонликларнинг ярим миллиондан зиёди ҳалок бўлганини халқимиз ҳеч қачон ёдидан чиқармайди. Фронт ҳудудларидан Ўзбекистонга кўчирилган бир миллионга яқин оила ва болаларни қабул қилиб, охириги бир бурда нонини улар билан баҳам қўрган халқимиз ўзининг нақадар олижаноблигини, меҳр-мурувватини, юксак маънавиятини яққол намойён этди.

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига давлатимиз томонидан мукофотлар топшириш, моддий ва маънавий рағбатлантириш кўллагу анъанага айланди. Иккинчи жаҳон уруши ва фронт ортида меҳнат қилган фахрийларга, хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг оила аъзоларига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)



✓9 май - Хотира ва қадрлаш куни

“ВАТАНПАРВАРЛАР БОҒИ”ДА УЧ АВЛОД УЧРАШУВИ

Қарши шаҳридаги “Ватанпарварлар боғи”да Хотира ва қадрлаш куни олдидан “Уч авлод учрашуви” маданий-маърифий тадбири ўтказилди.

Тадбирда юртимиз тинчлиги, халқимиз фаровонлиги йўлида жасорат, матонат ва фидойилик кўрсатган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига юксак ҳурмат-эҳтиром кўрсатилди.

Нуронийлар уруш йилларининг ситамли хотираларидан сўзлаб берди, тинчликнинг не машаққатлар эвазига қўлга киритилганини ёшларга ҳаётий мисоллар билан тушунтирди. Ватан-

га сидқидилдан хизмат қилиш, унинг тинчлиги ва осойишталигини кўз қорачигидек асраш ҳар биримизнинг бурчимиз экани таъкидланди.

Тадбирда фольклор ансамблларининг концерт дастури, ҳарбий хизматчилар томонидан Ватанни улуғлаш, фахрийларга эҳтиром кўрсатиш мавзулари акс этган сахна кўринишлари намойиш этилди.

Жамшид НОРҚОБИЛОВ (ЎЗА) олган сурат.

ЧОРВАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ЯНГИ ЛОЙИҲА

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Европа Иттифоқи ва Жаҳон банки ҳамкорлигида мамлакатимизда чорвачиликни ривожлантириш бўйича беш йилга мўлжалланган лойиҳа тақдимоти ўтказилди.

Қишлоқ хўжалиги вазири Ж.Хўжаев ва бошқалар қишлоқ хўжалиги, жумладан, чорвачиликни ривожлантириш борасидаги ташаббусларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ушбу тармоққа илмий ёндашув ва илгор замонавий технологияларни кенг жорий этиш, импорт ўрнини босувчи, экспортбop чорва маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлашни янада рағбатлантириш муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Янги лойиҳа чорвачилик тизимини жадал ривожлантириш, айниқса, самарадорлиги паст бўлган кичик фермер хўжаликлари учун ички ва

ташқи бозорда зарур шароит яратишга замин яратади.

Тадбирда сўнгги йилларда мазкур йўналишда олиб борилган ишлар хусусида маълумот берилди. Қайд этилишича, мамлакатимизда етиштирилаётган чорвачилик маҳсулотларининг 90 фоизи кичик фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келади. Уларнинг аксарияти ҳалигача талаб даражасида фаолият олиб бормаяпти. Шу каби масалаларга эътибор қаратган ҳолда чорвачилик маҳсулотларини халқаро талабларга мувофиқ сертификатлаштириш ва стандартлаштиришни таъминлаш,

сифат менежментининг замонавий усулларини амалиётга жорий этиш кўзда тутилмоқда.

Лойиҳада кўрсатилган ветеринария хизматларини қўллаб-қувватлаш учун Европа Иттифоқи томонидан 15 миллион евро кредит маблағи, ходимлар малакасини ошириш, соҳада учраётган муаммоларни бартараф этиш ва фермер хўжаликлари фаолиятини ривожлантириш мақсадларига Жаҳон банки томонидан 150 миллион доллар маблағ ажратилади. Бу орқали чорвачиликка иxtисослашган кичик фермер хўжаликлари қўлайтирилиб, ишлаб чиқариш ва даромадлар ошишига эришилади. Бундан ташқари, ишлаб чиқарувчи, харидор ва хизмат кўрсатувчилар ўртасида самарали ҳамкорлик йўлга қўйилади.

Тадбирда иштирокчилар мазкур лойиҳа бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Абдулазиз МУСАЕВ,
ЎЗА мухбири.

Наманган вилояти

Томорқаси борнинг баракаси бор

Оқтовлиқликлар буни амалда исботлашмоқда


Норин туманидаги Оқтовлиқ маҳалласига кўп борганман. Табиати гўзал, одамлари ширинсухан, ери унумдор маскан. Норин дарёсининг зилот сувидан баҳраманд бўладиган ҳосилдор тупроғига чўпни суқсангиз дарахтга айланади, десак муволаға бўлмайди. Бу ернинг томорқасида тер тўкиб, мўл-кўл ризқ ундирайтган ва топганига турмушини фаровон қилаётган меҳнаткаш одамлари билан кўп бора суҳбатлашганман.

Маҳаллада 428 та хонадон бўлиб, уларда 2000 нафарга яқин аҳоли ҳаёт кечирмоқда. Маҳалла фуқаролар йиғинига ташкилотчи, катта тажрибага эга Шермухаммад Яруқлов раислик қилади. Ҳар йили эрта баҳорда мавжуд 52 гектар томорқанинг 30 гектарида картошка, помидор, булғор қалампирни кўчатлари, 21 гектарига бошқа экинлар уруғи қадалиб, кераклик агротехник тадбирлар ўз вақти-

да амалга оширилади. Ҳар қарич ердан камида 3-4 мартадан ҳосил олинади. 6 гектарни ташкил этувчи 148 та иссиқхонада эса йил мобайнида маҳсулот етиштирилади. Маҳалла миришкорлари қўшни туман аҳолисини ҳам кўчат, уруғлик, мева-сабзавот билан таъминлайди. Шунинг учун ҳам йил якунида Оқтовлиқларнинг томорқаларидан олган даромадлари 1,5 миллиард сўмдан ошиб кетади.

Энг намунали томорқачилар ҳақида гап кетганда 6 сотих ерга бодиринг, помидор, булғор қалампир экан Назиржон Мирзааҳмедов, 10 сотих жойда помидор, саримсоқтўёз, кўчатлар етиштираётган Дониёржон Хўжаев, 3,5 сотих майдонда помидор, қарам парвариши билан шуғулланаётган Одилжон Мамадалиевларнинг номи биринчилардан тилга олинади. Деҳқончиликда улардан қолишмасликка интилаётган, иссиқхонасида сабзавот ва гул кўчатлари етиштириш билан шуғулланиб, ижобий натижаларни қўлга киритаётган тадбиркор Озодахон Хўжамқулова, Момохон Давлатовлар ҳам йилгига 30-50 миллион сўмдан ошириб даромад қилиб маҳалладошларига ўрناк бўлмоқда.

Бир сотих майдонда лимонхона, 7 сотих жойда сабзавот ва гул



кўчатлари етиштирадиган иссиқхона барпо этиб, омилкорлик билан меҳнат қилаётган шу маҳаллалик Жалолиддин Каримов 2017 йилда 30 миллион сўмдан ошириб соф даромад олди. Ушбу йилда эса иссиқхонага биргина булғор қалампирининг 7 хил навидан 400 минг, бақлажоннинг 60 минг, маҳаллий ва хориждан кетирилган

гулларнинг 32 минг, тарвузнинг 25 минг дона уруғини экиб, парвариш қилмоқда.

– Мақсадим, томорқанинг ҳар қарич ердан унумли фойдаланиб, жорий йилда камида 50 миллион сўм даромад қилишдир, – дейди Жалолиддин Каримов.

Равшанбек МИРЗОЛИМОВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.

(Боши 1-саҳифада)

Фашизм устидан қозонилган ғалабада халқимизнинг ҳам мардонавор ва салмоқли ҳиссаси унутилмас ҳақиқатдир. 9 май – Хотира ва Қадрлаш куни Иккинчи жаҳон урушининг аянчли оқибатларини унутмасликка, тинчлик ва ошқоқ ҳаётнинг қадрига етишга, Ватанга садоқат ҳисси билан яшашга, шунингдек, доимо оғоҳ ва хушёр бўлишга, тарихий хотирага садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилиб келмоқда.

Мамлакатимизда 9 май – Хотира ва Қадрлаш куни умумхалқ байрамини кенг нишонлаш, Иккинчи жаҳон урушида фашизмга қарши курашишга ҳисса қўшган, муқтадлик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг хотирасини абадийлаштириш, барча фахрийларга хурмат кўрсатиш мақсадида:

1. 9 май – Хотира ва Қадрлаш куни умумхалқ байрамга бағишланган тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш дастури (кейинги ўринларда Дастур деб аталади) 1-иловага мувофиқ маъқулласин.

2. 9 май – Хотира ва Қадрлаш куни умумхалқ байрамга бағишланган тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ишчи гуруҳ (А.Арипов):

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда "Аждодларни хотирлаш – муқаддас қадрият", "Эътибор ва ғамхўрлик – инсоний бурч" шioriлари остида Дастурда назарда тутилган тадбирларнинг юқори савияда ўтказилишини таъминласин ва жойларда 9 май – Хотира ва Қадрлаш куни умумхалқ байрамга (кейинги ўринларда Байрам деб аталади) бағишланган тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишга амалий ёрдам кўрсатсин;

Иккинчи жаҳон урушининг ҳар бир қатнашчисига, фронт орти меҳнат фахрийларига, муқтадлик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг оила аъзоларига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш мақсадида тегишли вазириликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар, ҳарбий қисмлар вакиллари билан

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

тириб, ушбу тоифадаги шахсларни қутлаш мақсадида уларнинг яшаш жойига раҳбарларнинг ташрифини ташкил этсин;

Ўлғиз ва кам таъминланган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг турар жойи ва уй ҳужалиқларини таъмирлаш, ободонлаштириш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга оширсин;

Байрамга тайёргарлик кўриш давомида Иккинчи жаҳон уруши ва фронт орти меҳнат фахрийлари, муқтадлик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари кўрсатган матонат, мардлик ва жасоратнинг аҳамиятини кенг аҳоли, айниқса, ёшлар орасида тушунтириш, тарғиб ва ташвиқ қилиш бўйича маданий-маърифий ва ватанпарварлик йўналишидаги тадбирлар ўтказилишини ташкил қилсин;

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан бирийўла тўланадиган пул мукофотини тантанали равишда топширсин;

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларининг ҳар бирига тиббий ва ижтимоий хизмат кўрсатиш, уларни парвариш қилиш мақсадида тиббий билимларга эга ходимларни (шартнома асосида) бириктирган ҳолда доимий равишда патронаж хизматини ташкил қилсин;

Иккинчи жаҳон урушида Ўзбекистондан кетиб қалабага ўзининг беқиёс ҳиссасини қўшган ва уруш қаҳрамони бўлган фахрийлар номларини абадийлаштириш мақсадида ўзлари туғилиб ўсган кўчаларга уларнинг номларини бериш юзасидан тегишли чора-тадбирларни амалга оширсин;

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларининг истақлари

асосида уларни республика ҳудудидаги санаторийларга бепул юборилишини ташкил этсин;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги белгиланган жойларда Иккинчи жаҳон уруши вақтидаги ҳарбий техника намуналарини ташкил этсин;

Тошкент шаҳрида Иккинчи жаҳон урушига алоқадор архивдан олинган фото ва ҳужжатлар кўргазмасини ташкил этсин;

Ғалабага ўз ҳиссасини қўшган, Ватанамиз муқтадлик йилларидаги учун жонини, куч-қувватини аямаган ҳар бир фахрий, ҳар бир киши хотираси абадийлаштирилишини, уларга муносиб хурмат-эҳтиром кўрсатилишини таъминласин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирилик, Мудоффа вазирилик, Ички ишлар вазирилик, Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан биргаликда:

вилоятлар, шаҳарлар ва туманларда Байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича комплекс тадбирларни ишлаб чиқсинлар ва амалга оширсинлар;

Иккинчи жаҳон уруши вақтидаги композициялар инсталляцияси, жумладан, уруш йилларининг қўшиқ ва куйлари, дастурхон тузаш ва тегишли шарафитлар яратиш билан боғлиқ тад-

бирларни ташкил этсинлар; кўчалар ва майдонлар Байрамга бағишланган плакатлар ва стендлар билан безатилишини таъминласинлар.

5. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган Байрам тадбирлари ҳамда мамлакатимизнинг турли ҳудудларида истиқомат қилувчи Иккинчи жаҳон уруши ва фронт орти меҳнат фахрийлари вакиллари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган асосий маросимларга темир йўл ёки автомобиль транспортида келиб-кейтиши, меҳмонхоналарда жойлашиши, овқатланиши, маданий ҳордиқ чиқариши билан боғлиқ харажатлар, шунингдек, зарур ҳолларда тегишли кийим-кечаклар билан таъминланиши;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда – маҳаллий бюджетлар ҳамда ҳоимийлик хайриялари ҳисобидан;

Тошкент шаҳрида – Ўзбекистон Республикаси республика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қопланади.

6. Ўзбекистон Республикаси Мудоффа вазирилик Тошкент шаҳрида 2019 йил 9 май соат 21.00 да Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган байрам салютини ташкил қилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирилик ва Миллий гвардия тантанали тадбирлар ўтказиладиган жойларда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминласинлар.

8. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, "Дунё" ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ жараёнларни, ушбу қарор ижросини таъминлашга қаратилган тадбирларни кенг ёритиш, шунингдек, мавзуга оид телекўрсатувлар ва радиоэшитиришлар тайёрлаб эфирга узатиш, мақолалар эълон қилиш тавсия этилсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби В.В.Маҳмудов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2019 йил 23 апрель

Халқаро илмий ҳамкорлик: РОССИЯ – ЎЗБЕКИСТОН Ютуқлар эътирофи

Маълумки, ўтган йили октябрь ойида Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг мамлакатимизга давлат ташрифи доирасидаги тақлиф ва келишувларнинг аҳамияти бугунги кунда ўз рўибини кўрсатмоқда. Ушунда "Янги иқтисодиётга янги ходимлар" таълим форуми иккита давлатнинг 140 та етакчи олий таълим муассасалари ректорлари иштирокида ўтказилган. Бу эса иккита давлат олимлари ўзаро ҳамкорлигининг мустақамланишига, кенг қамровли илмий лойиҳа ва амалий-назарий йўсиндаги фаолиятга мезон бўлган рост.

Айни пайтда иккита мамлакатнинг 130 дан зиёд олий таълим муассасалари ўртасида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш ва илмий-тадқиқот ишларидаги ўзаро ҳамкорликлар доирасида шартномалар имзоланди.

Хусусан, Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳамда Москва давлат қурилиш университети орасида имзоланган ҳамкорлик меморандуми доирасида истиқболли режалар ва келишувлар белгилаб олинган.

Жорий йилнинг 18-21 апрель кунлари Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида Миллий тадқиқот Москва давлат қурилиш университети ва "Гидропроект" АЖ билан ўзаро ҳамкорликда қурилиш соҳасида эришилган ютуқларни тарғиб қиладиган "Construction the formation of living environment" (FORM-2019) мавзусида ўтказилган XXII халқаро илмий конференция олдига шўбага бўлинган ҳолда ўз ишини олиб борди.

соҳасидаги дунёвий тажриба ва анъаналарни оммалаштириши ҳамда долзарблиги билан ушбу Халқаро конференция катта аҳамият касб этди. Айниқса, ёшлар инновацияси бўйича ўтказилган семинарда ёш тадқиқотчиларнинг илмий салоҳияти, инноваторлик иқтидори яққол кўзга ташланди.

Институт ректори, профессор Ўктам Умурзаков конференция якунида анжуманда ўз маъруза ва чиқишлари билан иштирок этган хорижлик меҳмонларни самимий қутлади.

Сўнгра Миллий тадқиқот Москва давлат қурилиш университети профессори Андрей Журавлёв, шу таълим муассасасининг илмий сиёсий бошқармаси бошлиғи Алексей Адамцевич ташкилотчилик учун институт жамоасига ўз миннатдорликларини билдиришди. Уларнинг қизиқарли, илмий янгиликларга бой, пухта ва долзарб мавзудаги маърузалари билан иштирок этган олимларга, шунингдек, ёш тадқиқотчиларга диплом, фахрий ёрлик ҳамда эсдалик совғалари тақдим этилди.

Раҳимбой ЖУМАНИЕЗОВ

Андижон вилояти Вилоят фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раисининг ўринбосари Шерзодбек Исмоилов билан мулоқотимизда иссиқхоналарда инновацион технологияларни жорий этиш ҳақида ҳам сўз борди. Унинг айтишича, Олтинкўл туманидаги "Темирхўжа" маҳалласида яшовчи Аҳмадали ота Ёқубов хонадонидаги иссиқхонани иситишда янгилик жорий этилганлиги натижаси кўзга ташланибди.

Томорқачи яратган «мўъжиза» сабзавот экинлари ривожини бир ойга тезлаштиради ва таннархни арзонлаштиради

Аҳмадали ота 31 йил аввал иссиқхона қуриб, қўшниларининг ҳавасини келтирган эди. Бугун маҳалладаги хонадонларнинг аксариятида иссиқхоналар бўлиб, сабзавот ва резаворлар, лимон, мандарин етиштириш одатий ҳолга айланган. Айни дамда Аҳмадали отанинг фарзандларидан бири Жасурбек иссиқхонада эътиборни тортадиган даражадаги мўъжазгина янгиликни жорий этиб, эртаки ва сифатли ҳосил етиштириш имкониятини юзга чиқарди...

Халқ орасида "Бир кун олдин эксанг, бир ҳафта олдин хирмон кўтарасан", деган нақл бор. Жасурбек янги йил ўтиши биланоқ иссиқхонасига бир неча хил сабзавот кўчатларини ўтказишга киришди. Бу вақтда қўни-қўшилари қўчат тайёрлаш билан шуғулланаётган эди. Утган йилга нисбатан кўчат экинни бир ой аввал бошлаган тадбиркор йилги март ойининг ўртасида нишона ҳосилни теришга киришди. Яъни, бодрининг ҳар килограмми бозорда 17 минг сўмга сотилаётган паллада қўли пул қўрди. Атига 3,6 сотихли иссиқхонада бир вақтнинг ўзида лимон, бодринг,



помидор, аччиқ қалампир ва ошқовоқ кўчатларининг парвариш қилиниши ҳайратланарли ҳолат. Иссиқхонадаги хароратнинг юқорилиги туфайли экинлар ривож авжида. Биз иситиш масаласида Жасурбекка юзландик. У иссиқхонанинг қоқ ўртасидан ўтган энг кичик ҳажмдаги қувурни ва ҳар устунга

ўрнатилган ўта ихчам радиаторларга эътиборимизни қаратди.

16 миллиметрли қувурдан келадиган иссиқ сув радиаторга қуйилади. Радиаторнинг орт томонига ўрнатилган паррак кучи билан иссиқлик бир маромда атрофга тарқалади. Жасурбекнинг сўзига қараганда ушбу радиаторлар ва парраклар собиқ тузум даврида Боқудан "БК-100" ёки "БК-200"

бов. – Авваллари бунинг учун ўртача йигирма миллион сўмлик қўмир сотиб олишга мажбур эдик. Айниқса, қўмир қуқундан фойдаланиш масаласида қийинчилик бисёр эди. Сизлар қўриб турган паррак ва радиаторлар туфайли салмоқли харажатдан халос бўлдик.

Сухбатимиз қизиб борар экан, оддий томорқачи қўллаган усул ҳар томонлама манфаатли эканлигини ҳис этдик. Қувурлардан ясалган "қўлбола" радиаторлар учун камида 5 тонна иссиқ сув керак бўларди. Хозир эса 250 литр иссиқ сув кифоя. Бодринг ҳосилни териб олиш июль ойининг охирига қадар давом этишини ҳисобга олсак, биринчи экиндан келадиган даромадининг буромадини чиқарсак бўлади. Иккинчи ҳосилни етиштиришда эса кўпроқ табиий иссиқликдан фойдаланилади. Ҳарорат пасайиб борганда, радиаторлар ишга туширилади.

Томорқадан фойдаланиш орқали аҳолининг бандлигини таъминлаш, даромадини ошириш, бунда илгор тажрибаларни жорий этиш кун тартибда турибди. Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 26 апрелдаги "Фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирларни тўғрисида"ги қароридан Инновацион ривожланиш вазирилик олдига бир қатор вазифалар қўйилган. Жумладан, инновацион ишланмалар ва замонавий технологиялар ишлаб чиқишни назарда тутувчи илмий лойиҳалар ҳақида тавсиялар бор.

Олтинкўллик ёш томорқачилардан бири Жасурбек Ёқубовнинг қилган янгилиги ҳеч бир томорқачини бефарқ қолдирмайди. У қўллаган янгиликнинг келажоги бор. Мазкур технологияга атрофда қизиқиш катта. Шундай экан, уни саноат асосида ишлаб чиқариш ҳақида бош қотириб қўриш керак.

Қобилжон АСҚАРОВ, "Qishloq hayoti" муҳбири.

Мутахассис тавсиялари

Бот-бот такрорлаётганимиздек, ёмғир "кўзни очирмаяпти". Сал кўрмасак, кўёшни соғинадиган эл эмасмизми, офтоб чиккишини илҳақ кутамиз. Бугун ёмғир ёғмайди, ҳаво очилиб кетармикан, деган ҳаёлда кўчага отланамиз. Ҳар йили осмонга қараб, кўкда булут пайдо бўлса, сунонадиган деҳқонлар чорвадорлар ҳам кўёшни, унинг заррин нурларини соғиниб қолди. Ер қизиса, тупроқ тобга келса-ю, экин-тикин ишларини оби-тобида қилиб олса...

даги таянчининг болти бўшатилади, таянч сегмент ва бармоқнинг ўқлари уста-уст тушгунга қадар сурилади. Болт тортилади. Таг томони едирилиб кетган, учлари синган бармоқлар ўрнига созлари ўрнатилади. Шнек қанотининг қирраси ҳамда тепадаги ва пастдаги тозалогичлар орасидаги 2-10 мм. ва 10-18 мм. масофалар шнек

Дала ажраткичини ростлаш: поялар баландлиги 0,5 метргача бўлганда пастки кожух, бундан юқори бўлса, устки кожух ечиб олинади. Мотовило диаметри планкаларни бешта тешиқдан керакчисига маҳкамлаш орқали 1800-2800 мм. оралиқда ўзгаради. Мотовилонинг айланиш тезлигини ростлаш учун тишли юлдузчалар алмаштирилади.



Хоразм вилояти

Гидропоника усули кўл келяпти

Сўнги пайтларда Хоразмда ҳам гидропоника усулидаги иссиқхоналар кўпаймоқда. Уларда етиштириладиган сархил маҳсулотлар қишнинг изғиринли кунларида ҳам халқимиз дастурхонига фойз киритмоқда.

Янгиариқ туманидаги "Аскарвор Норимон" фермер хўжалигида ўтган йили бир гектар майдонда инновацион иссиқхона қурилган эди. Бу йил унда иккинчи марта ҳосил етиштирилди.

– Ўтган йили иссиқхонамиз сал кечроқ ишга тушгани туфайли тажриба сифатида бодринг эккан эдик. Шунда ҳам 60 тонна атрофида маҳсулот сотдик, – дейди фермер Бекзод Норимонов.

Жорий йилда помидор етиштирган деҳқонлар айни кунларда ҳосилни пешма-пеш ички бозорларга чиқармоқда.

Фермер хўжалиги аъзолари иссиқхонада кўчат ўстиришни ҳам ҳадисини олишган. Ҳозир у ерда бодринг, тарвуз, помидор ва булғор қалампир кўчатлари етиштирилмоқда. Тайёр кўчатлар фермерларга ҳамда томорқа эгаларига сотилапти.

– Хорижий технологиялар асосидаги ушбу иссиқхонадан яна биттасини қуряпмиз, – дейди фермер хўжалиги иш бошқарувчиси Улуғбек Аскароров. – Ниятимиз, халқимиз дастурхонини тўқин қилишдир.

Болтабой МАТҚУРБОНОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Сигирнинг сути... пичанда

Бу йил ем-хашак мўл, уни вақтида ўриб-йиғиб олиш керак

Ҳа, бу йил табиат юртимизга қайишди. Ёмғир мўл-кўл бўляпти. Дарёларимизда сув тўлиб оқмоқда. Шу пайтлари майсалари сарғайиб қоладиган дашту дала-лар, чўлу биебонларда ҳам бу йилги манзара бошқача. Ёмғирлар ўт-ўланларнинг гуркираб ўсишига кўлай шароит яратмоқда. Айниқса, яйловлар, лалми ерлардаги ўтлоқлар ям-яшил тусга кирганки, кўриб кўзингиз қувонади. Улардаги ўт-ўланлар вақтида, нест-нобуд қилинмасдан ўриб-йиғиб олинса, чорва ҳайвонлари учун тўйимли озуқа захираси барпо этилади. Бунда, албатта, чорвадор фермерларнинг иш-ни енгиллаштирадиган техника воситалари муҳим аҳамият касб этади.

юқори унум билан ишлатиш талаб этилади. Энг аввало, ўт ўргичлар, зичлаб-боғлагичлар осилдиган тракторлар ва ўзи юрар озуқа комбайнларининг двигателлари соз ҳолатда бўлиши зарур. Уримга тушишдан олдин уларнинг техник ҳолатини яна бир бор текшириш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш лозим.

зифасини ҳам бажаради. Ротор дақиқасига энг камида 1500 марта айлансагина, бу вазифа тўла адо этилади. Айланиш камайса, понасимон тасманинг таранглиги оширилади. Шамол таъсирида ерга ётиб қолган ўтлар вертикал ўқ атрофида айланадиган пичоқли дисклар билан жиҳозланган рота-цион КРН-4,2 қосилқаларда ўрилади.

таянчини бўшатиш ва созловчи болт гайкасини бураш орқали ростланади. Мотовило ва қирқиш аппарати бармоқлари билан шнек сатҳи орасидаги тирқиш кенглиги (15-35 мм.) ни ростлашда таянчлар овалсимон тешиқлар бўйлаб сурилади. Дарз кетган қанотлар пайвандланади, эгилган бармоқлар тўғриланади, жатка тубидаги ёриқлар пластинкалар билан ёпилади.

Чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлариде озуқа экинлари ҳосилини ўриш-йиғиштириш ишлари тракторлар билан агрегатландиган ўт ўргичлар (КИР-1,5М; КРН-4,2; КС-Ф-2,15) хашак (КСК-100А, Марал 125, Е-282, Е-302), силос (КС-1,8 "Вихрь"; КПИ-2,4А; КПКУ-75) ва маккажўхори (КСКУ-6, ККП-3) ўриш комбайнлари, зичлаб-боғлагичлар (Марконт-155, ПС-1,6) ёрдамда амалга оширилади. Етилган озуқа экинларини қисқа муддатларда йиғиштириб олиш учун озуқа техникаларини тўри созлаш ва мавсум давомида

Фермер хўжаликлариде энг кўп тарқалгани КИР-1,5 бўлиб, у етилган ўтларни, пакана маккажўхори ва кунгабоқарни ўриш, майдалаш ва транспорт воситасига юклаш ишларини бажаради. Асосий ишчи органи барабан вагига ширнрли бирик-тирилган 28 та пичоқдан иборат. Ҳамм.а пичоқларнинг массаси бирдай тегис бўлиши лозим. Поялар чала кенлиганда пичоқ тиглари чархланади. Тиглари синиб кетган пичоқлар янгила-рига алмаштирилади. Тўғри ва тескари кесувчи пичоқлар тигла-ри орасидаги тирқиш кенглиги 2-2,5 мм. орасида созланади. Бундан катта ёки кичик бўлса, пояларнинг кесилиш ва майдаланиш сифатига путур етади. Ротор барабани майдаланган пояларни транспорт воситасига йўналтирувчи вентилятор ва-

Майдалогич барабан ва тозалогич орасидаги тирқиш кенглиги (5-10 мм.) тозалогичи тепага суриш, пичоқ тиги ва қарама-қарши кесувчи брус қирраси орасидаги тирқиш (0,9-1,5 мм.) эса брусни барабанга яқинлаштириш билан ростланади. Носоз деталлар тўзатилади. Пичоқларнинг қирқиш, йиқичнинг ерга нисбатан ўрнати-лиши баландлиқлари жатка та-гидаги сирпангич кранштейндаги валлидаги юлдузчалар алмашти-рилади. Сегмент пичоғи ва қара-ма-қарши кесувчи пластинка ора-сидаги тирқиш кенглиги олдида 0,8 мм. орқада 0,3-2 мм. бўлиши лозим. Бу кенгликлар пластинка-ни эгис ёки болт бирикмасини тортиш ёрдамида ростланади. Тиглари ўтмаслашган сегментлар чархланади, синган бўлса, янги-ларига алмаштирилади.

Сегментнинг бармоқча нисба-тан ҳолатини ростлаш учун пичоқ чекка ҳолатга келтирилади. Ўрта

Жиззах вилояти

Президентимизнинг 2019 йил 17 январдаги "Аҳоли муаммолари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонида кўра, жойларда фаолият юритаётган Халқ қабулхоналарининг аҳоли муаммоларини хонадонма-хонадон юриш орқали аниқлаш ва ҳал қилиш, давлат органларининг аҳоли билан бевоқиф ишлашини назарда тутувчи янги тизим жорий этилди.

Халқ қабулхоналарига хизмат автомашиналари топширилди

Халқ қабулхоналарининг самарали фаолият юритишини таъминлаш мақсадида уларга хизмат машиналари ажратилди. Жумладан, Жиззах вилояти шаҳар ва туманларидаги Халқ қабулхоналарига "Cobalt" русумли хизмат автомашиналари тантанали топширилди.

Тадбирда аҳоли муаммоларини ўрганиш ва уларнинг ечимларини топишда самарали тизимнинг йўлга қўйилгани боис, фуқаролар мурожаатларини қабул қилишда овозагарчиликларнинг камайгани таъкидланди. Қайд этилишича, тизимга кўллаб мутасадди ташкилотлар вакилларининг жалб этилгани сабабли мурожаатларнинг аксарияти жойида ҳал этилмоқда.

– Мана бугун хизмат автомашиналарини қабул қилиб олдик, – дейди Дўстлик тумани Халқ қабулхона-наси мудири Гайбулла Фармонов. – Албатта, бу рағбат зиммасидеги масъулиятни янада оширади. Бу машина тумандаги олис-олис қишлоқларга ҳам бемалол бориб келиши, у ердаги аҳоли муаммолари-ни атрофлича ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

Фуқароларнинг ҳақ-хуқуқлари-ни ҳимоя қилиш, мурожаатла-ри ижросини таъминлаш бўйича яратилган янги тизим юрдошлар-римизда давлатга, эртанги кунга ишончини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Ўзёлоқлар

Ўзёлоқлар

Хурматли тадбиркорлар ва сармоядорлар диққатига!

"Ko`chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ

ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

"Ko`chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ томонидан ташкил этилган очик аукцион савдоларига Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки қошидаги "НБУ Бунёдкор Инвест" МЧЖнинг 2019 йил 22 апрелдаги 477-сонли буюртманомасига асосан қуйидаги кўчмас мулк қўйилмоқда: Қорақалпоғистон Республикаси Қораў-зак туманида жойлашган, умумий майдони 839,33 кв.метр, савдо расталари, авто-турароҳ 6 та литердан иборат, 1 қават-ли "Аксангит деҳқон бозори" мажмуаси. Бошланғич баҳоси – 2 588 432 765 сўм. Аукцион савдоси 2019 йил 29 май куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри Ол-мазор тумани 1-Қорақамиш кўчаси 1А-уй манзилда бўлиб ўтади. Аукцион савдо-сида иштирок этиш учун аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 14:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилиш аукци-

он ўтказилиши белгиланган кундан бир иш куни олдин соат 18:00 да тўхтатилади. Юқоридаги мулк 2019 йил 29 май куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдо-лари 2019 йил 3, 7 июнь кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган кундан бир иш куни олдин соат 18:00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза билан биргаликда қуйидаги ҳуж-жатлар тақдим этилади: - юридик шахслар учун давлат рўйхат-тидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳ-номанинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ва-колатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат-нинг нусхаси; - жисмоний шахслар учун паспорт ва СТИРнинг нусхаси, аукционда вакил қатна-шган тақдирда расмийлаштирилган ишонч-

СИЛОС КОМБАЙНЛАРИ

Маккажўхори, кунгабоқар каби силосбоп ўсимликларни ўриш, майдалаш ва юклаш ишларини бажаради. Сегмент пичоғи ва бармоқ орасидаги тирқиш кўли билан 0,5 мм. – бўлиши керак.

Муҳаммад ТОШБОЛТАЕВ,

Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти директорининг ўринбосари, техника фанлари доктори, профессор.

НАВОЙ ВИЛОЯТИ ҚҲРИҚЛАШ БОШҚАРМАСИ ТОМОНИДАН 2019 ЙИЛДА РЕЖАЛАШТИРИЛГАН

"НАВОЙ ВИЛОЯТИ ЗАРАФШОН ШАҲАР ҚҲРИҚЛАШ БЎЛИМИНИНГ МАЪМУРИЙ БИНОСИ ҚУРИЛИШИ" ОБЪЕКТИ БЎЙИЧА ТЕНДЕР САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛМОҚДА

Мулкчилик шаклидан қатъий назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига!

1. "Навоий вилояти Зарафшон шаҳар қўриқлаш бўлимининг маъмурий биноси қурилиши" Буюртмачининг бошланғич қиймати – ҚҚС билан 1 395 159 717 сўм, ҚҚСиз 1 162 633 097,5 сўм.

Буюртмачи белгиланган ишларни тугатиш муддати – 6 ой. Объектнинг молиялаштириш манбаи – Буюртмачининг ўз маблағлари ҳисобидан.

Тендер савдолари ташкилотчиси: "Stroy konsalting servis" МЧЖ.

Буюртмачи: Навоий вилоятининг Қўриқлаш бошқармаси. Манзили: Навоий вилояти Навоий шаҳри С.Айний кўчаси 81-уй. Талабдор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга жавоб беришлари керак, яъни ишлаб чиқариш базасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига, мутахассисларнинг мавжудлигига, тендердаги иш-шоотга ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасига эга бўлган, етарли касбий, техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Тендерда маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари қатна-шаётганда, уларнинг тендер тақлифларини баҳолашда маҳаллий пудратчиларга қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олина-ди, яъни қатнашчиларнинг тижорат тақлифларини тенг шартларга

келтириш мақсадида улар бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўйилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортага етказиб бериладиган тендер тақлифлари қатнашчиларнинг тендер тақлифларини баҳо-лашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Тендерда қатнашиш ва тендер ҳужжатларини олиш иста-гини билдирган талабдорлар "Xarid.uz" электрон порталдан олиши мумкин. Бундан ташқари, тендер ташкилотчиси "Stroy konsalting servis" МЧЖнинг Тошкент шаҳри Шаҳрисабз кўчаси 16-А" уйда ("Агросоатлойтиха" МЧЖ маъмурий биносининг 5-қавати, 504-хонаси, тел.: (+99871) 256-16-93, e-mail: sks.mchj@yandex.com) жойлашган манзилдан олинганда, тендер ташки-лотчиси талабдорлар томонидан тендер ҳужжатлари талаблари юзасидан саволларига жавоб бериш мажбуриятини ўз бўйига олади.

Тақлифлар (офёрталар) тендер саволлари ташкилотчиси то-монидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Тақлифлар (офёрталар) эълон матбуотда чоп этилган кундан бошлаб 30 (ўттиз) кундан кейин қуйидаги манзилда очилади: На-воий вилояти Навоий шаҳри С.Айний кўчаси 81-уй.

Изоҳ: Тақлифлар (офёрталар) очилишининг аниқ куни ва соати талабдор пудратчи ташкилотларга тендер савдолари ташкилотчиси томонидан буюртмачининг мурожаатига кўра, қўшимча равишда маълум қилинади.

нома, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси. Савдо голибига савдо ўтказилган кун-дан бошлаб 5 банк иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабдорлар мулкнинг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "Ko`chmas mulk savdo xizmati" МЧЖнинг ХАТБ "DAVR BANK" Олмazor филиа-лидаги х/р:22604000204920609001, МФО:01121, СТИР:207122519 га савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт.

Савдода иштирок этиш учун талабно-малар қабул қилинадиган манзил: Тош-кент шаҳри Олмазор тумани 1-Қорақа-миш кўчаси 1А-уй. Тел.: (0371) 228-80-27, 228-80-26. www.1kms.uz.

Электрон почта: kmsxuz@inbox.uz, kmsxuz@mail.ru.

Лицензия RR-0001.

Ўзёлон

Хурматли тадбиркор ва сармоядорлар диққатига!

"Ko`chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ

ТАКРОРИЙ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

ТИФ Миллий банки қошидаги "НБУ Бунёдкор Инвест" МЧЖнинг 2019 йил 23 апрелдаги 481-сонли буюртманомасига асосан:

1. Андижон вилояти Олтинкўл туманидаги "Оқтепа деҳқон бозори" 1 қаватли мажмуаси, савдо расталари ва автотурароҳ. Умумий майдони 7000,0 кв.метр, қурилиш майдони 6913,0 кв.метр, 5 та литердан иборат. Бошланғич баҳоси – 2 242 071 000 сўм.

2. Жиззах вилояти Арнасой туманидаги "Арнасой деҳқон бозори" 1 қаватли мажмуаси, савдо расталари ва автоту-рароҳ. Умумий майдони 5600,0 кв.метр, қурилиш майдони 995,9 кв.метр, 3 та литердан иборат. Бошланғич баҳоси – 416 940 000 сўм.

3. Тошкент вилояти Бекобод туманидаги "Зафар деҳқон бозори" 1 қаватли мажмуаси, савдо расталари ва автоту-рароҳ. Умумий майдони 5600,0 кв.метр, қурилиш майдони 899,3 кв.метр, 4 та литердан иборат. Бошланғич баҳоси – 1 827 170 000 сўм.

4. Сирдарё вилояти Ховос туманидаги "Ховос деҳқон бозори" 1 қаватли мажмуаси, савдо расталари ва авто-турароҳ. Умумий майдони 5600,0 кв.метр, қурилиш майдони 892,0 кв.метр, 9 та литердан иборат. Бошланғич баҳоси – 1 962 303 000 сўм.

Аукцион савдоси 2019 йил 3 май куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри Олмазор тумани 1-Қорақамиш кўчаси 1А-уй манзилда бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган кундан бир иш куни олдин соат 18:00 да тўхтатилади.

Юқоридаги мулк 2019 йил 3 май куни сотилмаган тақдир-да такрорий савдолари 2019 йил 8, 14 май кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган кундан бир иш куни олдин соат 18:00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза билан бирга-ликда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади: - юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилган-лиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун расмий-лаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси;

- жисмоний шахслар учун паспортнинг нусхаси, аукци-онда вакил қатнашган тақдирда расмийлаштирилган ишонч-нома, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси.

Савдо голибига савдо ўтказилган кундан бошлаб 5 банк иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабдорлар мулкнинг 1 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "Ko`chmas mulk savdo xizmati" МЧЖнинг ХАТБ "DAVR BANK" Олмazor филиалидаги х/р:22604000204920609001, МФО: 01121, СТИР: 207122519 га савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт.

Савдода иштирок этиш учун талабно-малар қабул қи-линадиган манзил: Тошкент шаҳри Олмазор тумани 1-Қо-рақамиш кўчаси 1А-уй. Тел.: (0371) 228-80-27, 228-80-26. www.1kms.uz. Электрон почта: kmsxuz@inbox.uz, kmsxuz@mail.ru. Лицензия RR-0001.



Енгил атлетикачиларимизнинг муваффақиятлари

Қатар пойтахти Доҳа шаҳрида ўтказилаётган енгил атлетика бўйича Осиё чемпионатида Ўзбекистон миллий терма жамоаси муваффақиятли иштирок этмоқда.

Йигирма учинчи марта ўтказилаётган қитъа биринчилигида терма жамоамизга дастлабки олтин медални Руслан Қурбанов келтирди. Чемпионатнинг уч хатлаб сакраш бўйича ўтказилган баҳсларида иштирок этган ҳамюртимиз 16,93 метр натижа қайд этиб, барча рақиблирини ортда қолдирди.

Екатерина Воронина эса терма жамоамизга иккинчи олтин медални тақдим этди. Етти кураш йўналиши бўйича баҳсларга киришган вакиламиз якунда 6198 балл жамғариб барча дугоналаридан устун эканлигини намойиш этди.

Бир неча йиллардан бери

халқроқ енгил атлетика мусобақаларида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб келаётган икки машҳур спортчимиз – Надия Дусанова ва Светлана Радзивил термаимиз ҳисобига битта олтин ва битта бронза медаллари ёзиб қўйди.

Баландликка сакраш секторига Дусанова 1 метру 90 сантиметр баландликни ўзига бўйсундириб, Осиё чемпионатида айланган 1 метру 88 сантиметр натижа қайд этган қозғистонлик Надежда Дубовицкая ва Светлана Радзивил мос равишда кумуш ва бронза медалларини қўлга киритди.

Суҳроб ЗИЁДУЛЛАЕВ, «Qishloq hayoti» мухбири.

Талафот бартараф этилмоқда

ЁХУД КЎКЛАМ ИНЖИҚЛИКЛАРИГА ТАЙЁРМИЗМИ?

Бу йил баҳорнинг серёғин келиши барчамизни қувонтирди, айниқса, қишлоқ аҳли, фермеру деҳқонлар қувончининг чеки йўқ. Тўғрида, ёмғир бу барака, ризқ-рўз дегани. Сўнги 2-3 йил ичида баҳорнинг қурғоқчил, ёғингарчиликсиз келиши оқибатида баҳор ойларидаёқ далау даштлар қуриб, қовжираб қоларди. Сув омборларида сув меъёри пастлаб, қишлоқ хўжалигига зарар етказар, ичимлик суви танқислиги ортарди.

Қашқадарё вилояти



— Шу ўринда яна бир масалани айтиб ўтиш лозим, — дейди Чироқчи тумани ҳокимининг саноатни ривожлантириш ва капитал қурилиш бўйича муювини Уктам Абдурахимов. — Фуқароларимиз ўзбошимчалик билан ноқонуний равишда ариқ бўйлари, сув ва жар ёқаларига уй-жойлар қуриб олишган, бу эса вазиятни янада чигаллаштиради. Биз бу борада аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориб, келгусида уларни хавфсиз ҳудудларга кўчи-

Минг шукурки, бу йил кўклам серёғин келиб, далау дашт лолазорга бурканди, ўт ўланлар тизза бўйи бўлиб, кўзни қувнатмоқда, ариқларда, каналларда обиҳаёт тўлиб оқмоқда. Аммо ҳар тўқисда бир айб деганларидек, ёғингарчиликнинг меъёридан ошиб кетиши сел келишини, табиий офат, кўчки ҳолатларини вужудга келтириб, вақтида олди олинмаса, бартараф этилмаса, салбий оқибатларга олиб келиши, хавфли вазиятлар туғдириши мумкин. Қашқадарёнинг бир томони тоғларга туташ, бир томони кенг ва бепоён далау даштлардан, қиру адирлардан иборат Чироқчи тумани ҳам ана шундай табиий офатларга «мойил» туманлардан бири ҳисобланади. Шу боис ҳам тегишли мутасаддилар, аҳоли вакилларининг табиат инжиқликларига шай, хушёр туриши талаб этилади.

Чироқчи туманининг Наврўз қишлоғи Жар маҳалласи ҳудудида кейинги кунларда ёққан сурункали ёғингарчилик оқибатида сув тошқини рўй берди, қишлоқнинг юқори қисмидан оқиб келаётган ариқ суви тошиб кетиши натижасида кичик жарлик пайдо бўлиб, йўл усти ва кичик кўприкларни ювиб кетиши кузатилди. Чироқчи тумани ҳокимлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги вилоят бошқармаси ва туман бўлимлари томонидан олиб борилган тезкор чора-тадбирлар натижасида талафотларнинг олди олинди. Ариқ ён қисмидан қўшимча ёрдамчи ариқлар қазилиб сел келганда оқим йўналишини буриб юбориб, сувнинг катта қисми жарга қуйилиши натижасида ариқ бўйидаги мактаб биноси ва аҳоли турар жой пунктлари талафот кўришининг олди олинди.

риш ишларини ҳам режалаштирмоқдамиз.

Ҳа, халқимизда ўт балосидан, сув балосидан асрасин, деган нақл бежизга айтилмаган. Табиат бизга сувдек қимматли неъматни, обиҳаётни инъом этар экан, биз ҳам ўз навбатида ундан тўғри фойдаланишни билмоғимиз, ақл ва идрок ила ишлатмоғимиз, шу билан бирга, табиат инжиқликларига ҳам ҳозиржавоб бўлмоғимиз лозим.

Муҳаббат ЭЛИБОЕВА, «Qishloq hayoti» мухбири.

Сирдарё вилояти

“ЁҒОЧЛИ САРДОБА”

қачон сайёҳларга манзур манзилга айланади?

Таассуф

Ҳофиз Таниш Бухорийнинг “Абдуллонома” асарида ёзилишича, “Ёғочли сардоба” Бухоро хони Абдуллоҳон II нинг фармонида кўра, 1580 йилда барпо этилган. Унинг ёнида қарвонсарой ҳам қурилган. Иншоотнинг ёишлари тўртбurchак шаклда бўлиб, ҳажми 25x25x5 сантиметрни ташкил этади.

Гумбазнинг ички диаметри 15 метр, баландлиги 12 метрдан иборат. Сардобанинг ички қисмида ердан 2 метр баландликда ёпик, уясимон туйнуқлар жойлашган. Сардоба деворининг қалинлиги пастки қисмида 1,5 метрни ташкил этса, юқорига кўтарилган сари юпқалашиб боради ва энг юқори қисмида унинг

қалинлиги бир фишт қалинлигига тўғри келади. Иншоотга фақат шимол тарафдан кирилган. Қолган уч тарафда арк кўринишидаги туйнуқлар бўлган. Фиштли зинаполяр орқали сардоба ичкарисига кирилган. Кириш қисмида ўзига хос йўлакча мавжуд. Йўлакчининг тепасида хизматчилар ва кўриқчилар учун мах-

сус хоналар бўлган. Унга ташқарида қурилган айланма зинаполяр орқали кўтарилган. Сардобага сувнинг кириши учун махсус ясси тарновлар ўрнатилган бўлиб, улар бир-бирлари билан ҳалқасимон тарнов орқали боғланган. Сойлиқда жойлашган сув иншоотига теварак-атрофдаги ёмғир ва қор сувлари йиғилган. Сувнинг истеъмолга яроқлилиги бузилмаслиги учун учта махсус туйнуқ ўрнатилган. Бу туйнуқлар орқали домий равишда ҳаво айланиб турган. Гумбазнинг юқори қисми ҳам шу мақсадда очик қолдирилган.

Минг афсуски, бугун ушбу тарихий иншоот қаровсиз ҳолатда бўлиб, чиқинди хонага айланиб қолган. Ёнида қури-

лиши бошланган иккита бино ҳам чала ҳолда ётибди.

Президентимиз жорий йилнинг 19 февраль кунин Сирдарё вилоятига ташрифи чоғида вилоятда туризмин ривожлантириш масаласида оқсоқлик борлигини танқид қилган эди.

Сардоба туманидаги “Ёғочли сардоба” тарихий обидасининг ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги ҳам бу танқид ўринли эканлигини аниқ далиллади. Атрофи темир панжара билан тўсилган ёдгорлик дарвозаси оддий латта билан боғлаб қўйилган.

Мана шундай тарихий обиданинг қаровсиз ётганлигини ҳеч бир баҳона билан оқлаб бўлмайди. Бу ерда бунёд-

корлик ишлари қилиниб, атрофи ободонлаштирилса, хорижий ҳамда маҳаллий сайёҳлар келадиган обод манзилга айланади.

“Ёғочли сардоба” Тошкент – Самарқанд – Бухоро шаҳарларини боғловчи автомагистраль йўл ёқасида жойлашган. Бу ўзига хос ёдгорликнинг йўлдан ўтувчи ажнабий сайёҳларни ҳам қизиқтириши табиий. Шу сабабли, ушбу ёдгорлик сайёҳлик йўналишига киритилса, сайёҳларда Мирзачўлнинг “Буюк ипак йўли” да тутган алоҳида ўрни тўғрисидаги тушунча ва қарашлари янада бойиган бўларди. Зеро, Осиё ва Европани боғловчи қадим қарвон йўлидан ўтган ҳар бир қарвон Бухоро ва Самарқанддан кейин, албатта, Сирдарё заминидан ўтганининг ўзи бу тарихий сув манбаининг роли тарихда нечоғлик катта бўлганини аниқлатади.

Бозорбой БЕКМУРОДОВ, «Qishloq hayoti» мухбири.

Реклама ва эълонлар

PLANETA SERVIS

ТРАКТОРВОР.UZ

«МТЗ» ВА «БЛЮМИНГ» КОМПАНИЯЛАРИНИНГ РАСМИЙ ДИЛЕРИ

(+998 98) 125-7-125 (+998 98) 125-8-125
Махсулотлар сертификатланган.

Тўловлар нақд пул ва пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.
Хизматлар лицензияланган.

ТОГЛАР МАХСУС ВА ОДДИЙ ТРАКТОРЛАР!

Барча тракторлар қорхонанинг Тошкентдаги омборхонасида мавжуд

- Экскаватор-погрузчик ЗН-Ф-П (Б) бульдозер
- Бульдозер-погрузчик БЛ-750
- Занжирли экскаватор-погрузчик ЗН-Ф-Ц
- Асфальторез
- Подъемник БЛ-09
- “Беларусь” (МТЗ)-80x, 80.1, 82.1, 1025.2, 1221.2
- “Беларусь” тракторлари эҳтиёт-қисмлари
- Турли моделдаги шиналар

Махсулотлар сертификатланган.
Т.: (+99893) 501 6911, (+99871) 252 1629, 256 0955. E-mail: toglar_uz@mail.ru www.toglar.uz

QISHLOQ HAYOTI

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси
тартибидоғи ҳамда бошқа
даҳлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Жамшид ХУЖАЕВ, Шавкат ҲАМРОЕВ, Бақридин ЗАРИПОВ, Шухрат ТЕШАЕВ, Муҳаммадjon ТОШБОЛТАЕВ, Абдурашул АБДУЛЛАЕВ, Ақтам ХАИТОВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Раимқул СУЯРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суҳроб ЗИЁДУЛЛАЕВ (Масъул котиб).

Телефонлар: Қабулхона – 236-26-50, Котибият – 236-26-47, Аграр масалалар бўлими – 233-76-78, Маънавият ва маърифат бўлими – 236-26-35, Иجتимий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими – 236-26-49, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 233-76-78, Факс – 233-44-43, 233-09-93.

Реклама ва эълонлар: 236-26-50, 233-28-04.
web sayt: www.qishloqhayoti.uz e-mail: info@qishloqhayoti.uz

Ҳудудлардаги мухбирлар:
Қораўлдоғистон Республикаси – (+99890) 592-62-04

Вилоятлар:

- Андижон – (+99893) 630-73-03;
- Бухоро – (+99891) 401-29-59;
- Жиззах – (+99893) 940-10-78;
- Навний – (+99891) 332-50-99;
- Наманган – (+99893) 948-53-86;
- Фаргона – (+99890) 407-76-03;
- Самарқанд – (+99897) 575-50-67;
- Сирдарё – (+99894) 168-23-60;
- Сурхондарё – (+99890) 520-20-05;
- Тошкент – (+99890) 976-39-58;
- Хоразм – (+99897) 790-47-61;
- Қашқадарё – (+99897) 290-28-88.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан
2009 йил 13 февралда
№ 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
Буюртма Г-425, ҳажми 2 босма табоқ.
Офсет усулида босилди, қўғоз бичими А-2.

Манзилими: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Газета таҳририятнинг ўзига компьютерда терилди ва дизайнер Маркс ЮСУПОВ томонидан саҳифаланди.

6 841 нускада чоп этилди.
НАШР ИНДЕКСИ – 144
Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 00.10

ISSN 2010-7021

Навбатчи муҳаррир:
А.ҲАҚБЕРДИЕВ